

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил май ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳар “Отчопар” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Н.Ишмурадовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Номозовнинг котиблигида, Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Каримов, судланувчи Л.Саидова ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Рузимуродов, фуқаровий даъвогар М.Пўлатовларнинг иштирокида, Саидова Латофат Файзиевнага нисбатан №1-1801-2102/177-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Саидова Латофат Файзиевна (Saidova Latofat Fayziyevna) 1976 йил 14 май куни Касби туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, Қарши алоқа почта боғламасига қарашли 10-сонли алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган, Қарши шаҳар “Чулқувар” маҳалла фуқаролар йиғини, 4-митти тумани, 38-уй, 41-хонадонда яшайди, унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида” тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 31 март куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг суддаги кўрсатувларини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара нутқларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни ўрганиб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи Л.Ф.Саидова 2015 йил 2 декабрь кунидан ҳозирги кунга қадар Қарши алоқа почта боғламасига қарашли 10-сонли алоқа бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, 2020 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида юридик ва жисмоний истеъмолчилардан нақд пул шаклида қабул қилиб олинган электр энергияси, табиий газ ва бошқа тўловларидан жами 137 млн. 030 минг 892 сўм 15 тийин пулларни тегишли тартибда Қарши почта алоқа боғламаси бош ҳисобчисига топширмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.



Судланувчи Саидова Латофат Файзиевна судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 1993 йилдан буён “Ўзбекистон почтаси” АЖ тизмида, эгаллаб турган Қарши 10-сонли алоқа бўлими бошлиғи лавозимида эса 2016 йилнинг декабрь ойидан буён ишлаб келаётганини, унинг хизмат вазифаларига мижозлар томонидан топширилган хатларни қабул қилиш, кирим ва чиқим ҳужжатларини бўйича Шакл-130 кундалик дафтариини тузиб, хазина қолдиғини чиқариш, электр энергияси, табиий газ тўловлари, суюлтирилган газ балон тўловларини йиғиш, аҳолидан қабул қилиб олинган барча турдаги тўловларни дастурга кунлик киритиб бориш кабилар киришини, у ўзига юклатилган вазифаларга асосан электр энергияси, табиий газ тўловлари, суюлтирилган газ балон тўловларини қабул қилиб борганини, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалининг 2020 йил 3 февраль куни тасдиқланган лавозим йўриқномасига асосан иш куни тугаганидан сўнг хазинадаги меъёридан ортиқча пулларни, яъни бир млн. сўмдан ортиқ бўлган пулларни бош хизинага жўнатиши кераклиги белгилаб қўйилганини, лекин унинг эътиборсизлиги сабабли мижозлардан қабул қилиб олган пулларни Қарши почта алоқа боғламасига жўнатмасдан ўзида сақлаб келганини, аслида у ушбу пулларни Қарши почта алоқа боғламасига топшириши керак бўлганини, у томонидан мижозлардан қабул қилинган пул ҳамда кирим қилиниши лозим бўлган пул миқдорида тафовут бўлганлиги сабабли 2020 йилнинг ноябрь ойида топширилган лозим бўлган ҳар беш кунлик ҳисоботларни Қарши почта алоқа боғламасига топширмаганини, шундан сўнг 2020 йилнинг ноябрь ойида Қарши почта алоқа боғламаси бош ҳисобчиси Шакаров Шодмон бир неча маротаба унга қўнғироқ қилиб, ҳисоботларни топшириши кераклигини ва вилоят бўйича текшириш ўтказилаётганини айтганини, шунда у унга ҳисоботлари тўғри чиқмаётганини ва текшириб кўриб қайтадан топширишини айтганини, 2020 йил ноябрь ойи охирида “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали почта хавфсизлиги хизмати инспектори Алмардонов Акром унга қўнғироқ қилиб, 10-сонли алоқа бўлимига текширишга келишганлигини ҳамда зудлик билан у ерга етиб келиши кераклигини айтганини, шу пайтда у шахсий муаммолари билан юрганиги сабабли ишхонадасида бўлмаганини, сабабли алоқа бўлимига боролмаслигини тушунтирганини, шундан сўнг “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали почта хавфсизлиги хизмати инспектори А.Алмардонов икки маротаба 10-сонли алоқа бўлимига бориб, у ишда бўлмаганлиги сабабли қайтиб кетганини, шунда ҳам у А.Алмардоновга қўнғироқ қилиб ишхонага боролмаслигини айтганини, 2020 йил 3 декабрь куни Қарши 17-сонли почта алоқа бўлимида А.Алмардонов билан кўришиб қолганини, шунда А.Алимардонов унга 10-сонли алоқа бўлимида “Биллинг баъзаси” билан топширилган пуллар ўртасидаги тафовутни ўрганишганларида 110 млн 150 минг 203 сўм камомад аниқланганини



айтганини, шунда у А.Алимардоновга бундай камомад чиқиши мумкин эмаслигини, чунки ушбу аниқланган пуллар сейфда турганини ва ушбу ҳолатни ўзи қайтадан кўриб чиқишини ва 2020 йил 5 декабрь куни топширишини айтганини, лекин у А.Алимардоновга ушбу пулларнинг турганлигини унга кўрсатмаганини, шундан сўнг “Биллинг” дастурига киритилган кунлик тўловларни ўрганиб чиққанида, ҳақиқатдан ҳам 110 млн 150 минг 203 сўмлик камомад бўлганлигини билганини, 2020 йил 14 декабрь кунига қадар аниқланган камомадларни тўлиқ тўлаб берганини, шундан кейин ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан тайинланган хизмат текшируви юзасидан “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали почта хавфсизлиги хизмати инспектори А.Алимардонов, филиалнинг почта хавфсизлик хизмати бўлими мутахассиси Э.Аралов, Қарши почта алоқа боғламаси ўринбосари М.Тошмуродов ҳамда Қарши почта алоқа боғламаси бош ҳисобчиси Ш.Шакаровлар келишиб, хизмат текшируви бўйича текшириш ўтказишганини, хизмат текшируви давомида “биллинг” дастури орқали қўшимча равишда аҳолидан қабул қилган 22 млн 19 минг 240 сўм нақд пул маблағи кирим қилинмаганлиги аниқланини, 2020 йил ноябрь ойи учун топширилиши лозим бўлган пул маблағи етмаганлиги сабабли декабрь ойидан коммунал тўловлари учун аҳолидан қабул қилиб олинган пулларни ноябрь ойида аниқланган камомад учун тўлаб юборганини, шу сабабли декабрь ойида қабул қилинган 22 млн 19 минг 240 сўм пулни топшира олмаганини, шунинг учун оила-аъзоларимнинг ёрдами билан 9 млн сўм камомадни тўлаб берганини, умижозлар томонидан тўланган пулларни қабул қилиб, ушбу пулларни топширмаганини, чунки ноябрь ойида аниқланган ҳолатларни бартараф қилиш учун декабрь ойида мижозлардан тушган пулларни топшириб юборганини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, аниқланган камомадни тўлиқ қоплаганини билдириб, унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўради.

Фуқаровий даъвогар Пардаев Ёмғир Шодмонович судда, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали ҳуқуқшуноси лавозимида ишлаб келаётганини, унинг хизмат вазифаларимга судларга даъво ариза киритиш ва судда иштирок этиш, шартномаларнинг қонунийлигини ўрганиш кабилар киришини, Саидова Латофатни Қарши почта алоқаси боғламаси бошлиғи ҳуқуқшуноси лавозимига тайинланганидан буён танишини, Ш.Шакаров 2020 йил 20 ноябрь ойида Қарши 10-сонли алоқа бўлимнинг Қарши шаҳар, “Чармгар” маҳалласида жойлашган маъмурий биносига бориб, Саидова Латофатни тополмай келганини, шундан сўнг, 27.11.2020 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директорида 10-сонли алоқа бўлимида ўрганиш ўтказиш имконияти бўлмаганлиги ва бўлим томонидан алоқа бўлими хазинасидан ошиқча маблағлари ўз вақтида бош хазинага



қайтарилмаганлиги тўғрисида билдириш хати берилганини, шундан сўнг, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директорининг буйруғига асосан филиал мутахассислари билан ҳамкорликда 09.12.2020 йилда 10-сонли алоқа бўлимининг 2020 йил ноябрь ойи кирим-чиқим ҳужжатлари асосида ўрганиш ўтказилиб, Л.Саидова бир неча бор чақирилганлигига қарамасдан ўрганишда иштирок этмаганини, ўрганиш натижалари юзасидан шу куннинг ўзида далолатнома расмийлаштирдик ҳамда 110 млн. 150 минг 203 сўм нақд пул маблағи кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилганлигини аниқланганини, шундан кейин, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали хавфсизлик хизмати бўлими мутахассислари томонидан хизмат текшируви ўтказилди ва Л.Саидова томонидан 10.12.2020 йилда 100 млн. 150 минг 203 сўмни, 14.10.2020 йилда 10 млн. сўмни Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилганини, 2020 йил декабрь ойи кирим-чиқим ҳужжатлари асосида ўрганиш ўтказганини, ўрганиш натижалари юзасидан шу куннинг ўзида далолатнома расмийлаштирдик ҳамда 22 млн. 19 минг 240 сўм нақд пул маблағи кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилганлигини аниқланганини, шундан сўнг 10-сонли алоқа бўлимида ўтказилган ҳужжатли-тафтишда Л.Саидова томонидан 137 030 892,15 сўм камомадга қўйилганлиги аниқланганини, ҳозирда, Л.Саидова томонидан етказилган зарарларнинг асосий қисми 124.722.943 сўм “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали тўлаб берганини, қолган 12.068.000 сўм зарарни қоплаш учун Қарши шаҳар прокуратураси ҳисоб рақамига тўланган пулларни “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали ҳисобига ўтказиб беришни, судланувчи Л.Саидовага нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Шакаров Шадман Аллабердиевич судда, “Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимида, ҳозирги эгаллаб турган “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши почта алоқаси боғламаси бош ҳисобчиси лавозимида эса 2017 йил октябрь ойидан буён ишлаб келаётганини, унинг хизмат вазифаларига “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали ҳисоб-китоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар талаблари риоя қилиниши, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳужжатларнинг юритилишига амал қилиш, тармоқнинг банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушган ва тўпланган маблағларни ўз йўналиши бўйича мақсадли сарфланишини назорат қилиш киришии, у Саидова Латофат билан 2017 йил октябрь ойидан буён бирга фаолият юритиб келганини, Саидова Латофат Қарши 10-сонли алоқа бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсат келишини, Л.Саидовадан ташқари 10-сонли алоқа бўлимида хабарчи лавозимида Л.Жўраева ишлаб келаётганини, Саидова Латофат ўз лавозим йўриқномасига асосан мижозлар томонидан топширилган маблағларни ҳар беш кунда ҳамда ҳар ой якуни бўйича ҳисобот топшириб келганини, лекин 2020 йил ноябрь ойида ҳар беш



кунлик ҳисоботини умуман топширмаганини, шундан сўнг у Саидова Латофатнинг 90 617 34 41 рақамли уяли телефониغا бир неча маротаба кўрғироқ қилганида, у умуман телефонга жавоб бермаганини, шундан сўнг 2020 йил 20 ноябрь куни Қарши 10-сонли алоқа бўлимнинг Қарши шаҳар, “Чармгар” маҳалласида жойлашган маъмурий биносига борганини, маъмурий бинога борганида эшик қулф ҳеч ким бўлмаганини, 2020 йил 26 ноябрь куни соат 10:30 ларда яна Қарши 10-сонли алоқа бўлимнинг Қарши шаҳар “Чармгар” маҳалласида жойлашган маъмурий биносига Қарши почта алоқа боғламаси бошлиғи Рахимов Азиз, эксплатация ишлари бўйича муҳандис Тошмуродов Малик билан бирга боришганини, борганида, 10-сонли алоқа бўлими эшиги ёпиқ бўлганини, Саидова Латофатнинг уяли телефониغا кўнғироқ қилганида у кўнғироққа умуман жавоб бермаганини, шундан сўнг, Л.Саидова коммунал тушумларни қабул қилиш учун ишлаб келадиган шаҳар электр тармоқлари корхонасига борганида у ерда ҳам йўқлиги аниқланганини, шундан сўнг, 2020 йил 27 ноябрда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директориغا 10-сонли алоқа бўлимида ўрганиш ўтказиш имконияти бўлмаганлиги, бўлим томонидан алоқа бўлими хазинасидан ошиқча маблағларни ўз вақтида бош хазинага қайтарилмаганлиги тўғрисида билдириш хати берганини, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директорининг буйруғига асосан филиал мутахассислари билан ҳамкорликда 09.12.2020 йилда 10-сонли алоқа бўлимнинг 2020 йил ноябрь ойи кирим-чиқим ҳужжатлари асосида ўрганиш ўтказилганини, ўрганиш жараёнида, Л.Саидова бир неча бор чақирилганлигига қарамасдан ўрганишда иштирок этмаганини, ўрганиш натижалари юзасидан шу куннинг ўзида далолатнома расмийлаштириб 110 млн. 150 минг 203 сўм нақд пул маблағи кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилганлигини аниқланганини, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали хавфсизлик хизмати бўлими мутахассислари томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, тушунтириш хатлари олинганини, Л.Саидова 10.12.2020 йилда 100 млн. 150 минг 203 сўмни, 14.10.2020 йилда 10 млн. сўмни Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширганини, Л.Саидова Қарши почта алоқаси боғламасига аниқланган камомад пулларини топширгани келган вақтида нима сабабдан пулларни ўзлаштирилганлигини сўраганида, Л.Саидова унга “шундай бўп қолди, пулларни қайтариб тўладим”-деб айтганини, шундан сўнг Л.Саидова декабрь ойи учун топширилиши лозим бўлган ҳисоботларни топширмаганлиги сабабли 17.12.2020 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалига билдириш хати берганини, шунга асосан, 17.12.2020 йилда 10-сонли алоқа бўлимнинг 2020 йил декабрь ойи кирим-чиқим ҳужжатлари асосида ўрганиш ўтказилганини, ўрганиш натижалари юзасидан шу куннинг ўзида далолатнома расмийлаштирдик ҳамда 22 млн. 19 минг 240 сўм нақд пул маблағи



кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилганлигини аниқлашганини, мазкур пулни қайтариши тўғрисида Л.Саидовани бир неча бор огоҳлантиришига қарамасдан пул маблағини қайтармаганини, 10-сонли алоқа бўлимида 2 киши фаолият юритишини, бўлимга келиб тушган пулларнинг кирим қилиниши ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилиши лавозим йўриқномасига асосан Саидова Латофатга юклатилганини, бўлимга келиб тушган пул маблағининг қабул қилиниши ҳамда Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилиши билан фақат Л.Саидова шуғулланганини, мижозлардан қабул қилинган пуллар дарҳол кирим қилиниши ва кунлик ҳисобот юритилиши лозимлигини, почта алоқа бўлими кассасидаги маблағ белгиланган меъёр (1 млн. сўм)дан ошгандан сўнг Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилиши лозимлигини, бироқ Л.Саидова томонидан 2020 йил ноябрь-декабрь ойларида 132 млн. 169 минг. 443 сўм миқдоридаги пул маблағи кирим қилинмаганлиги сабабли Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилмаганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Рахимов Азизбек Зокирович судда, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши почта алоқаси боғламаси бошлиғи вазифасида ишлаб келаётганини, унинг хизмат вазифаларига Қарши почта алоқаси боғламаси ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига риоя қилишини назорат қилиш кабилар киришини, Саидова Латофатни Қарши почта алоқаси боғламаси бошлиғи лавозимига тайинланганидан буён танишини, у Қарши 10-сонли алоқа бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келишини, Саидова Латофат ўз лавозим йўриқномасига асосан мижозлар томонидан топширилган маблағларни ҳар беш кунда ҳамда ҳар ой якуни бўйича ҳисобот топшириб келганини, лекин у 2020 йил ноябрь ойида ҳар беш кунлик ҳисоботини умуман топширмаганлиги сабабли бош ҳисобчи Ш.Шакарров унга бир неча маротаба ушбу ихсobotларни топшириши ҳақида огоҳлантирган бўлишига қарамай ушбу ҳисоботларни топширмасдан келганини, шундан сўнг Ш.Шакарров 2020 йил 20 ноябрь ойида Қарши 10-сонли алоқа бўлимининг Қарши шаҳар, “Чармгар” маҳалласида жойлашган маъмурий биносига бориб, Саидова Латофатни тополмай келганини, шундан кейин у 2020 йил 26 ноябрь куни Қарши 10-сонли алоқа бўлимининг Қарши шаҳар “Чармгар” маҳалласида жойлашган маъмурий биносига бош ҳисобчи Ш.Шакарров ва эксплуатация ишлари бўйича муҳандис Тошмуродов Малик билан бирга борганида ҳам 10-сонли алоқа бўлимининг эшиги ёпиқ бўлганини, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директорига 10-сонли алоқа бўлимида ўрганиш ўтказиш имконияти бўлмаганлиги ва бўлим томонидан алоқа бўлими хазинасидан ошиқча маблағлари ўз вақтида бош хазинага қайтарилмаганлиги тўғрисида билдириш хати берилганини, шундан



сўнг, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директорининг буйруғига асосан филиал мутахассислари билан ҳамкорликда 9.12.2020 йилда 10-сонли алоқа бўлимининг 2020 йил ноябрь ойи кирим-чиқим ҳужжатлари асосида ўрганиш ўтказилиб, Л.Саидова бир неча бор чақирилганлигига қарамасдан ўрганишда иштирок этмаганини, ўрганиш натижалари юзасидан шу куннинг ўзида далолатнома расмийлаштириганини ҳамда 110 млн. 150 минг 203 сўм нақд пул маблағи кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилганлигини аниқлашганини, шундан сўнг “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали хавфсизлик хизмати бўлими мутахассислари томонидан хизмат текшируви ўтказилди ва Л.Саидова томонидан 10.12.2020 йилда 100 млн. 150 минг 203 сўмни, 14.10.2020 йилда 10 млн. сўмни Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилганини, Л.Саидова декабрь ойи учун топширилиши лозим бўлган ҳисоботларни топширмаганлиги сабабли 17.12.2020 йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалига билдириш хати берганини, шунга асосан, 17.12.2020 йилда 10-сонли алоқа бўлимининг 2020 йил декабрь ойи кирим-чиқим ҳужжатлари асосида ўрганиш ўтказилганини, ўрганиш натижалари юзасидан шу куннинг ўзида далолатнома расмийлаштирдик ҳамда 22 млн. 19 минг 240 сўм нақд пул маблағи кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилганлигини аниқланганини, мазкур пулни қайтариши тўғрисида Л.Саидовани бир неча бор огоҳлантиришига қарамасдан пул маблағини қайтармасдан келганини, Л.Саидова 124 019 2346 сўм маблағларни тўлиқ тўлаб берганини, ҳозирда Л.Саидова томонидан 7 997 000 сўм маблағ тўлаб берилиши керак. 10-сонли алоқа бўлимида 2 киши фаолият юритишини, бўлимга келиб тушган пулларнинг кирим қилиниши ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилиши лавозим йўриқномасига асосан Саидова Латофатга юклатилганини, бўлимга келиб тушган пул маблағининг қабул қилиниши ҳамда Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилиши билан фақат Л.Саидова шуғулланганини, мижозлардан қабул қилинган пуллар дарҳол кирим қилиниши ва кунлик ҳисобот юритилиши лозимлигини, почта алоқа бўлими кассасидаги маблағ белгиланган меъёр (1 млн. сўм) дан ошгандан сўнг Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилиши лозимлигини, бироқ Л.Саидова томонидан 2020 йил ноябрь-декабрь ойларида 132 млн. 169 минг. 443 сўм миқдоридаги пул маблағи кирим қилинмаганлиги сабабли Қарши почта алоқаси боғламаси бош хазинасига топширилмаганини билдириб кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчи Л.Саидованинг айби, Қарши алоқа почта боғламасига қарашли 10-сонли алоқа бўлимида ўрганиш натижалари тўғрисида оралиқ далолатнома ва саноқ далолатномалари, тушунтириш



хатлар, сўроқ қилиш баённомалар ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Л.Саидовани жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, бироқ унинг яна худди шу эпизод бўйича ЖК 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ҳам қўшимча квалификация қилиб хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 7-бандида “Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш ЖК 167-моддасининг иккинчи қисмида алоҳида квалификация белгиси сифатида назарда тутилганлиги сабабли, мансабдор шахснинг бундай хатти-ҳаракатлари, агар айбдорнинг қасди ўзганинг мулкани эгаллашга қаратилган бўлса, ЖК 192-11 ёки 205-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди” - деб тушунтириш берилган.

Шу боис, суд судланувчи Л.Саидованинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 205-моддаси 2-қисмининг “а” бандини чиқариб, ишнинг шу қисмини ҳаракатдан тугатишни лозим топди.

Суд, судланувчи Л.Саидовага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини эътиборга олиб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини (ЖК 56-моддаси), жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдирганлигини, муқаддам судланмаганини, етказилган зарар қопланганлигини (ЖК 55-моддаси) инobatга олиб, унга нисбатан Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларидан ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, модда санкцияси доирасида иш ҳақининг маълум фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, жазони жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттиришни, жазо ижросини назорат қилишни Қарши шаҳар ИИО ФМБ пробаця гуруҳи зиммасига юклатишни, ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташ муддатини иш ҳақидан давлат даромадига ушлаб қолинган вақтдан бошлаб ҳисоблашни, Л.Саидованинг муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Қашқадарё вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” АТИБ Қашқадарё филиалидаги депозит ҳисоб рақамига судланувчи Л.Саидова томонидан етказилган зарарни қоплаш мақсадида тўланган жами 12.068.000 сўмни “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё



филиллининг (х/р 2020000200155266033) фойдасига ўтказишни ва етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини қайд қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 458, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига қўлланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Саидова Латофат Файзиевна (Saidova Latofat Fayziyevna), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Саидова Латофат Файзиевнага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддати ҳукм ижрога қаратилиб, иш ҳақидан белгиланган фоиз миқдори давлат ҳисобига ундирилган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо ички ишлар органлари белгилаб берган жойларда ўтатирилсин. Жазо ижросини назорат қилиш Қарши шаҳар ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Л.Саидовага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Қашқадарё вилоят прокуратурасининг “Ипотека банк” АТИБ Қашқадарё вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига судланувчи Л.Саидова томонидан етказилган зарарни қоплаш мақсадида тўланган жами 12.068.000 сўм “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиллининг (х/р 2020000200155266033) фойдасига ўтказилсин ва етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги қайд қилинсин.

Фуқаровий даъвогар М.Пўлатовнинг судланувчи Л.Саидовага нисбатан даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Қашқадарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Н.Ишмурадов

Аслига тўғри:

